



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 132 (12.945)

Баҳоси эркин нарҳда

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Кадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, ҳурматли журналистларни, нашриёт ва матбаа, радио ва телевидение соҳаси фидойиларини, муҳтарам фаҳрийларимиз, юртимиздаги барча муштарийларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунин билан чин қалбимдан табриклаб, сизларга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришдан мамнунман.

Барчамизга яхши маълум, бугунги ҳаётимизни сизларнинг мураккаб ва масъулиятли фаолиятингиздан, оммавий ахборот воситаларидан айри ҳолда асло тасаввур этиб бўлмайди.

Сизларнинг машаққатли меҳнат маҳсулигини миллионлаб одамлар қаерда бўлмасин, доимо катта қизиқиш ва эътибор билан кутади. Дунёда кечаётган турли-туман воқеа ва жараёнлар ҳақида сизлар етказадиган тезкор ва ҳолис ахборотнинг, ҳаётини муаммолар, кундалик ташвишлар ва уларни ҳал қилиш йўллари ҳақида журналист аҳли билдирадиган таъсирчан сўзнинг аҳамияти ва салмоғи ҳозирги замонда тобора ортиб бормоқда.

Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг «Даврон элнинг ҳисмида ҳам жон бўлгил, ҳам жонларига мояи дармон бўлгил» деган ҳикматли сўзлари аввало сизлар каби заҳматқаш ва фидойи инсонлар шаънига айтилган, десак, ўйлайманки, янглишмаган бўлмайди.

Ҳақиқатан ҳам, сизларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, одамларимизнинг онгу тафаккурини юксалтириш, уларни Ватанимиз олдида турган улкан мақсадлар сари сафарбар этиш йўлида қилаётган эзгу хизматларингизни ҳалқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Муҳтарам юртдошлар!

Биз бугун қандай шиддат билан ўзгараётган ва ривож топаётган, илгари учрамаган, ечимни ўта оғир ва мураккаб бўлган турли-туман муаммоларни туғдираётган XXI асрда яшаётганимизни ҳеч эсимиздан чиқармаслигимизни истардим.

Шулар қаторида, авваламбор, глобаллашув жараёнига тобора тезлашиб, дунёнинг бир чеккасида юз берган воқеа-ҳодисалар унинг иккинчи бир четида зудлик билан акс-садо бераётган бир пайтда, бу ҳолатнинг ўзи барчамиздан замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият, ахборот-коммуникация технологияларини, хорижий тилларни мукамал эгаллашни, бир сўз билан айтганда, профессионал малакамани ошириш учун ўз устимизда мунтаза ишлашни талаб қилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз зарур – ҳозирги вақтда нафақат ҳаёт, балки инсоннинг ўзи, унинг ички дунёси, ҳаётга муносабати ва талаби ҳам тубдан ўзгармоқда. Ана шундай кўпқиррали шaroитда бугунги журналист, бугунги матбуотчи бу ҳақиқатни чуқур англаган тақдирдагина самарали фаолият кўрсата олиши мумкинлиги ҳақида, ўйлайманки, ортқча гапиришнинг ҳождати йўқ.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимиз аҳолисини, замондошларимизнинг ҳаёти ва дунёқарашини кечаги – 90-йиллардаги одамларнинг ҳаёти ва дунёқарашини билан солиштирадиган бўлсак, ўртада ер билан осмонча фарқ борлигини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Ўз-ўзидан равшанки, бугун биз яшаётган янги давр, янги ижтимоий муносабатлар оммавий ахборот воситаларининг олдида тез суръатлар билан ўзгариб, ривожланиб бораётган жамиятимизнинг талабларига ҳар томонлама муносиб бўлиш, одамларни ўйлангандан, безовта қилаётган муаммоларга жавоб излаш, уларни кун тартибига қўйиб, жамоатчилик фикрини шакллантириш бўйича ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Шуларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, кейинги йилларда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг демократик ислохотлар жараёнидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, журналист касбининг ижтимоий мақоми ва нуфузини юксалтириш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида амалга оширган ишларимиз ҳақида албатта кўп гапириш мумкин.

Мен бу борада фақатгина баъзи бир мисолларга эътиборингизни қаратишни ўринли, деб биламан.

Сўнгги йилларда юртимизда оммавий ахборот воситалари соҳасида 10 га яқин қонун қабул қилиниб, кўплаб қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлиб келаётганини таъкидлашни хоҳлардим. Бунинг тасдиғини охириги 7 йилда соҳа ривожини учун давлат бюджетини ҳисобидан кредитлар, ижтимоий буюртмалар ва давлат грантлари шаклида қарийб 13 миллиард сўм маблағ ажратилгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг сони 3,6 карра кўпайиб, ҳозирги вақтда 1 минг 400 дан ортиқ ташкил этаётгани, уларнинг моддий-техник базаси тубдан яхшилангани бизнинг бу борада қандай катта тараққиёт йўлини босиб ўтганимизни кўрсатади.

Мамлакатимизда аънавий ахборот воситалари билан бир қаторда, интернет журналистикаси ҳам жадал ривожланмоқда. Кейинги 5 йилнинг ўзида веб-сайтларнинг сони 2 баробар ортиб, 300 дан ошиб кетгани мамлакатимиз миллий ахборот маконининг мазмун ва манзарасини тубдан ўзгартиришга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда 66 та телеканал, 34 та радиоканал фаолият кўрсатаётгани электрон медиа тармоқларнинг самараси ва салмоғи ҳам тобора юксалиб бораётганидан далолат беради.

Кейинги пайтда амалга оширган кенг қўламли ишларимиз натижасида ҳозир Ўзбекистон аҳолисининг 54 фоизи рақамли телевидение имкониятларидан фойдаланмоқда. Жорий йилнинг ўзида мамлакатимиз бўйича яна 84 та юқори қувватга эга бўлган телеузаткич мосламалари ўрнатилди ва шу тариқа барча ҳудудларимизни 100 фоиз рақамли телевидение билан қамраб олишга эришамиз.

Ҳозирги вақтда биргина Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибидagi телеканалларнинг бир сутка давомидаги умумий эфир вақти 520 соатни ташкил этмоқда. Холбуки, яқин ўтмишда бу рақам бор-йўғи 24 соатга тенг эди. Айни пайтда миллий теледастурларимиз сунъий йўлдош орқали дунёнинг юздан ортиқ давлатларига узатилиб, жаҳон жамоатчилигини Ўзбекистоннинг қадимий тарихи, бой маданияти, бугунги сермизмун ҳаёти билан таништиришда катта роль ўйнамоқда.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартини бўлган нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳам ҳаётимизга чуқур кириб бормоқда. Юртимиздаги босма нашрларнинг 60 фоизга яқини, телерадиоканалларнинг 67 фоизи, интернет нашрларининг эса 95 фоизи давлатга қарашли бўлмаган оммавий ахборот воситалари экани бунинг амалий тасдиғидир.

Кадрли дўстлар!

Бугунги хурсандчилик кунда матбуот ва ахборот соҳасида эришган ютуқларимиз, олдимизда турган вазифалар билан бирга соҳанинг келажақ истиқболлари хусусида фикр юритишимиз албатта ўринлидир.

Бу ҳақда гапирганда, «Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик, эртага қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?» деган даъват авваламбор ҳеч кимдан кам бўлмасдан, доимо ҳаётнинг олдинги сафларида бўлишга интилиб яшайдиган сиз, ҳурматли матбуот ахлига дахлдор эканини барчангиз яхши тушунасиз.

Биз ўз олдимизга дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига киришдек улкан ва шарафли вазифани қўйган эканмиз, мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги кескин рақобатга ҳар томонлама қодир бўлишни бундай юксак маррага эришишнинг асосий шартини ва гарови сифатида кўрамиз. Шу маънода, миллий журналистикамиз ҳалқро медиа маконидида ўзининг муносиб ва мустақил ўрнини эгаллаши бугунги кунда энг долзарб вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Шу борада кейинги пайтда бир қатор ривожланган давлатлар, дунёда ном қозongan нуфузли медиакомпаниялардан малакали мутахассис ва журналистлар юртимизга таклиф қилиниб, улар иштирокида матбуот хо-

димлари учун ўқув семинарлари ва амалий машғулотлар ўтказиш йўлга қўйилгани эътиборга лойиқдир. Бу тажрибанинг кенг қўлланиши туфайли ўтган йилнинг ўзида 650 дан ортиқ матбуот ходимларимиз ўз малакаси ва маҳоратини оширишга эришганини, шу билан бирга, кўплаб ўзбек журналистлари ҳам хорижий давлатларга бориб, тажриба алмашиб келганини қайд этиш лозим. Келгусида ҳам бундай самарали ижодий алоқаларни давом эттириш оммавий ахборот воситаларимиз ривожига янги туртки бериши шубҳасиз.

Журналист кадрларнинг янги авлодини, ўз касбининг устаси бўлган етук таҳлилчи ва шарҳловчиларни тайёрлаш бўйича ҳам мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, яқинда Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг замонавий янги биноси қуриб фойдаланишга топширилганини таъкидлаш керак. Ахборот-коммуникация технологиялари ва чет тилларини, ижодий маҳорат сирларини пухта эгаллаш учун барча зарур моддий-техник база ва инфратузилма тармоқларига эга бўлган ушбу олий ўқув маскани мамлакатимиз журналистларининг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини янада оширишга хизмат қилиши билан айниқса аҳамиятлидир.

Ҳурматли ватандошлар!

Ҳаммамизга аёнки, инсон бу ҳаётда бахт учун дунёга келади. Лекин бахт дегани фақат моддий бойликка интилиб, молу давлатга, ҳавойи орзуларга берилиб яшашни англатмайди. Бахт – бу, менинг назаримда, аввало тинч-осойишта ҳаёт, оила, эл-юрт ободлиги, ўз юрти, ўз Ватанига муҳаббат, ҳар қандай оғир синовлар қаршисида ҳам ўзини, ўзлигини йўқотмасдан, асли инсоний қиёфасини сақлаб қолиш, юксак маънавий қадриятларга садоқат билан яшашдир.

Халқимиз, миллатимиз асрлар давомида одамлилик, инсонни қадрлаш, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби эзгу қасдларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, неча-неча авлодларга безавол етказиб келаётгани тарихимиздан яхши маълум.

Эл-юртимизни минг йиллар оша турли тўфон ва бўронлардан омон сақлаб, барчамизга куч-қудрат бағишлаб келаётган, ҳаётимизни ҳар томонлама юксалтирадиган бундай олижаноб қадриятлар, ўйлайманки, оммавий ахборот воситаларимиз учун ҳеч қачон аҳамиятини, қадрини йўқотмайдиган бош мавзулар бўлиб қолади. **Чунки, маънавиятни асраш – аввало инсонийликни, инсоннинг ўзини асраш демакдир.** Маънавий дунёмизга қарши қаратилган таҳдид ва хуружлар тобора кучайиб бораётган бугунги вазиятда бу ўткир ҳақиқатни барчамиз асло унутмаслигимизни истардим.

Шулар ҳақида гапирганда, руҳсатингиз билан, илгари ҳам айтган фикримни яна бир бор эслатмоқчиман. Биз моддий томондан ривожланган мамлакатлардан балки ҳозирча бироз орқададиримиз, лекин маънавий жиҳатдан манаман деган давлатлардан ўтиб кетганимиз, деб айтишга барча асосларимиз бор. **Бугунги кунда бошимизни баланд кўтариб, гурур ва ифтихор билан яшашга имкон берадиган бундай бебаҳо бойликни қўлдан чиқармасдан, ёшларимизга ҳам етказсак, уларнинг онги ва қалбига чуқур сингдирсак, азиз фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида баркамол инсонлар этиб тарбияласак, ҳеч шубҳасиз, эртанги кун, келажақ бизчиқдир.**

Ана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифани адо этишда жамиятимиз, барчамиз аввало сизларга, сизларнинг билим ва тажрибангиз, профессионал маҳоратингиз, граждандлик позициянгизга таянамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, эл-юрт манфаати, адолат ва эзгулик йўлида ҳамisha ўзини аямасдан меҳнат қиладиган сиз, азиз журналистларни мен доимо қўллаб-қувватлашга, ҳар томонлама ёрдам ва қўмак беришга тайёр эканимни, сизларни ўзимнинг энг яқин ҳамфикр ва маслақдошларим деб билишимни яна бир бор изҳор этмоқчиман.

Азиз дўстлар!

Бугунги кутлуғ айёмда сизларни касб байрамингиз билан самимий муборакбод этиб, барчангизга сihat-саломатлик, бахт ва омад, ижодий камолот тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов 26 июнь кун Оқсаройда
Малайзия, Жазоир Халқ Демократик
Республикаси, Ҳиндистон Республикасининг
мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор
элчилари этиб тайинланган Дато Норайни бинти
Абд Ҳамид, Носир Бушерит, Винод Кумардан
ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.**

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиздаги дипломатик ваколатхоналарнинг янги тайинланган раҳбарларини самимий қутлар экан, Ўзбекистон Малайзия, Жазоир ва Ҳиндистон билан ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият бераётганини таъкидлади ва уларнинг шарафли ҳамда масъулиятли фаолиятига муваффақият тилади.

Малайзия элчиси билан суҳбатда мамлакатларимизнинг сиёсий, савдо-иқтисодий соҳалардаги алоқалари, БМТ, Ислom ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги ўзаро ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантиришнинг истиқболлари муҳокама этилди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликни янги босқичга қўтариш, Ўзбекистон – Малайзия институтлари фаолиятини ва ҳамкорлик механизmlарини фoллаштириш, қўшма иқтисодий лoйиҳаларни амалга оширишдан ҳар икки мамлакат ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Элчи Дато Норайни бинти Абд Ҳамид Малайзия ва Ўзбекистон ҳамкорлигини ўзаро манфаатли асосда янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашни ўзининг асосий вазифаси, деб билишини таъкидлади.

Ўзбекистон Жазоирга Шимолий Африкадаги энг муҳим ташқи сиёсий шериклардан бири, деб қарайди.

(ЎЗА)

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК — МАТБУОТИМИЗ РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида
мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни кўз
қорачиғидек асраб-авайлаш, Ватанимизни жадал
равнақ топтириш йўлида амалга оширилаётган
изчил ислохотлар журналистларга ҳам
масъулиятли вазифалар юклатмоқда.**

Ўзбек Миллий академик драма театрида 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан бўлиб ўтган тантанали тадбирда бу жиҳатлар яна бир қарра акс этди. Ушбу сенаторлар, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари мутаассадилари, оммавий ахборот воситалари, ноширлик соҳаларида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган фаҳрий журналистлар, матбаачилар, олий ўқув юр்தларининг журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари, талабалар тақдир этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси И.Ҳалимбеков, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети декани М.Мирсоатов, «Наманган ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири М.Парпиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда янги жамият, озод ва обод ҳаётни барпо этиш

суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўзаро манфаатли савдони ривожлантириш, инвестициявий ҳамкорлиқни чуқурлаштириш, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш учун катта салоҳиятга эга экани қайд этилди.

Жазоир элчиси икки мамлакат халқларини тарихий, маданий ва маънавий муштарак алоқалар боғлаб туришини таъкидлади ва давлатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий соҳалардаги алоқалари, БМТ, Ислom ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги ўзаро ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантиришнинг истиқболлари муҳокама этилди.

Ўзбекистонда Ҳиндистонни нафақат қадимий тамаддун бешиклари билан, балки жадал ривожланиб бораётган ва минтақаий ҳамда халқаро муносабатларда муҳим ўрин тутадиган мамлакат сифатида яхши билади.

Давлатларимиз ўртасидаги алоқалар олий даражадаги доимий сиёсий мулоқотлар асосида изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон Президентининг 2011 йилнинг май ойида Ҳиндистонга давлат ташрифи ва ушбу ташриф чоғида бўлиб ўтган самарали музокаралар ўзаро серқирра ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш имконини берди.

Ҳиндистон элчиси мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш учун бутун куч-ғайрати ва тажрибасини ишга солишини таъкидлади.

(ЎЗА)

борасидаги узоқни кўзловчи, пухта ўйланган ислохотлар жараёнида миллий матбуот соҳасини жадал равнақ топтириш, фуқароларнинг сўз ва ахборот олиш эркинлигини тўла таъминлаш масаласига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, ахборот излаш, олиш ва уни тарқатишга оид ҳуқуқлари, оммавий ахборот воситаларининг эркин ва қонунга мувофиқ фаолият юритиши, ахборот хавфсизлигига доир кафолатларнинг асосий тамойилларини белгиловчи меъёрлар мустаҳкамлаб қўйилган.

Соҳага оид миллий қонунчилик оммавий ахборот воситалари ҳамда нашриёт-матбаа корхоналарининг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши, уларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг жамиятдаги нуфузи, ижтимоий мақомини ошириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг ахборот олишга доир ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш имконини бермоқда.

(Давоми 2-бетда)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

НТВ

05.05 Т/с «Пляж»
07.00, 09.00, 12.00, 18.00
Сегодня
07.15 «Русское лото плюс»
07.50 Их нравы
08.25 Едим дома
09.20 Первая передача
10.40 Чужие техники
10.50 Дачный ответ
12.20 Своя игра
13.10 Т/с «Ментовские войны»
17.00 Следствие вели
18.20 Х/ф «Подозрение»
22.00 «Большая перемена»
23.50 «Жизнь как песня»
Евгений Осин
01.30 Дикий мир
02.10 Т/с «Знаки судьбы»

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИНГ!

Ўзининг шонли ва бой тарихига ҳамда Марказий Осиёда ҳарбий мутахассисларни тайёрлашда юқори маъқеига эга Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти куйидаги кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН КИЛАДИ:

1. Табиий-илмий фанлар кафедраси бўйича:
кафедра мудири ўринбосари, доцент (олий математика) - 1 ўрин;
доцент (олий математика) - 1 ўрин;
доцент (чизма геометрия ва муҳандислик графикаси) - 1 ўрин;
катта ўқитувчи (чизма геометрия ва муҳандислик графикаси) - 1 ўрин;
2. Тиллар кафедраси бўйича:
кафедра мудири, профессор (инглиз тили) - 1 ўрин;
кафедра мудири ўринбосари, доцент (инглиз тили) - 1 ўрин;
доцент (инглиз тили) - 1 ўрин;
доцент (рус тили) - 1 ўрин;
катта ўқитувчи (инглиз тили) - 1 ўрин;
ўқитувчи (инглиз тили) - 1 ўрин;
ўқитувчи (рус тили) - 1 ўрин.
3. Ахборот технологиялари кафедраси бўйича: профессор (информатика ва ахборот технологиялари) - 1 ўрин;
доцент (информатика ва ахборот технологиялари) - 1 ўрин;
катта ўқитувчи (информатика ва ахборот технологиялари) - 1 ўрин.

4. Зирҳли танк ва автомобиль техникалари тузилиши ва улардан фойдаланиш кафедраси бўйича:

доцент (электротехника ва электроника асослари) - 1 ўрин;
ўқитувчи - тўғрақ раҳбари (автотехника) - 1 ўрин.
5. Харбий психология кафедраси бўйича:
доцент (умумий психология, шахс психологияси) - 1 ўрин;
ўқитувчи (ижтимоий психология) - 1 ўрин;

6. Гуманитар ижтимоий-иқтисодий фанлар ва шах

раси бўйича:

- доцент (Ўзбекистон тарихи, диншунослик) - 1 ўрин;
- катта ўқитувчи (ҳуқуқ, ЎР Конституцияси) - 1 ўрин;
- катта ўқитувчи (педагогика ва психология, Риторика) - 1 ўрин;

ўқитувчи (иқтисодий назария) - 1 урин;
ўқитувчи (миллий истиклол ғояси, сиёсатшунослик) - 1 ўрин

кафедраси бўйича:

- доцент (бошқарув фаолияти асослари, менежмент) - ўрин;
- ўқитувчи (экология, бошқарув фаолияти асослари менежмент) - 1 ўрин;

8. Жисмоний тайёргарлик ва спорт кафедраси буйича
тренер - йутируни (айкидо мураббийи) - 1 ўрин

9. Тактика кафедраси бӯйича:
 ӯқитувчи - тўғарак раҳбари (моделлаштириш ва симуляция) - 1 ўқин

10. Кўшинлар разведкаси кафедраси бўйича:
ўқитувчи - 1 ўрин.

Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар талаб этилади:

- билим юрти бошлиғи номига ариза;
- кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
- олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси.

Қатнашувчиларда илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда

улар тегишли дипломлар, аттестатлар нусхаларини ва илмий ишлар рўйхатини тақдим этишлари лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 2. Тошкент сўғий марказининг кўмакчилик бўлими, 100100. Т

• • • • •

Давлат рақобат кўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бош

кармасининг 2015 йил 1 майдаги 66 к-ПО-сонли буйруғини асосан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ-нинг савдоларида чиқарилиб, 2015 йил 12 июнда ўтказилган очик аукцион савдоси натижасига қўба сотилган давлат айтиши

1. Тошкент шаҳри, Бектемир тумени, Олтин-топган кўчаси, 37-йўл маъзиллида жойлашган. Бино ва иншоотлар эгаллаган майдон

ни - 253 кв.м булган, оմборконе бинο-иншоотлери, бошлени бхрси - 351 187 069 сўм, сотилиш бхрси- 442 000 000 сўм.

қармасининг 2015 йил 18 майдаги 74 к-ПО-сонли буйруғини
асосан «Ko'chmas mulk sharoitida xizmati» МНЖнинг сардорлар

1. Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, Камарнисо кўчаси, 57-йўл мажлисида joyлашган, Бино ва иншоотларнинг эгалиги бўлган, 85 кв.м бўлган, омборхона биноси, бошланғич ба

си - 128 404 353 сўм, сотилиш баҳси- 152 000 000 сўм.

Давлат ракобат кўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 18 майдаги 74 х-ПО-сонли буйруғига асосан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг савдоларига чилдирилб, 2015 йил 22 июнда ўтказилган очик аукцион савдо

1. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси

қойлашган, Бию ва иншоотларнинг эгаллаган майдони – 24 кв.м бўлган, қурилиши тугалланмаган мазмۇрий бино-иншоотлар, бошлангич баҳоси – 5 546 214 200 сўм, сотилиш баҳаси – 5 730 000 000 сўм.

Тошкент банк коллежи Ўзбекистон Республикаси Президент

нинг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-
хунар коллежлари директорларини аттестациядан ўткази-
ш» қарорига асосан, 2014-сонли фармойишга асосан қуйида-
ки вақант (буш) бўлган директор ўринбосари лавозимига
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Вакант лавозимлар номи
1.	Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани
Мойкўрғон мавзеси, Ёғду кўчаси, 1-уй. Тел: 228-76-99.

**«ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ» ва
«ВЕЧЕРНИЙ**

ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва
якшанбадан ташқари ҳар

күни саат 9.00 дан 16.00
бонус қабыл келгіндегі

Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11 30. М

Матбуотшивар кўнраги 32

Матбуотчилар кучаси, 32-
уй, 2-қават, 225-хона.



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Чет тилларни турли соҳаларга йўналтирилган ҳолда ўқитиш: имконият ва муаммолар» мавзусида биринчи халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

ИЛҒОР ИННОВАЦИЯЛАР ТАЪЛИМГА


Анжуманда халқаро экспертлар, тилшунос олимлар, АҚШ ва Франциянинг мамлакатимиздаги элчихоналари, Британия кенгаши, Гёте институти, ЮНЕСКО болалар жамғармаси вакиллари, шуниингдек, юртимиздаги ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, иқтидорли ёшлар иштирок этди.

— Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг муҳим йўналишларидан бири олий ўқув юртиларида махсус фанларни чет тилида ўқитишдан иборат бўлиб, бу ўз ўрнида ўқитувчилар зиммасига янги вазифалар ва катта масъулият юклайди, — дейди Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази директори, профессор Аббос Ирискулов. — Конференция узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида хорижий тилларни ўқитиш, айниқса, мазкур қарор асосида нофилологик йўналишдаги олий

таълим муассасаларида 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб айрим махсус фанларни, хусусан, техник ва халқаро мутахассисликлар бўйича ўқитишни чет тилларда олиб бориш, бу борада таълим сифатини ошириш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш каби масалалар муҳокамасига бағишлангани билан ҳам аҳамиятлидир.

Тадбирнинг иккинчи қисмида иштирокчилар шўьбаларга бўлинган ҳолда таълим жараёнини рағбатлантириш шароитлари, талабаларда мотивацияни ошириш ва хорижий тилни ўзлаштиришнинг барча кўникмаларини ривожлантириш, ўқув режалари ва материалларини ишлаб чиқиш, интер-фаол методлар ва технологиялардан фойдаланиш, ўқув жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг интеграцияси сингари йўналишларда фикр ва тажриба алмашиш. Қизиқарли семинар-тренинг машғулотида фаол иштирок этганларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Нигина БАЙМАНОВА



Ислом Исмоилов олган суратлар

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

КЕКСАЛАР — ХОНАДОНИМИЗ ФАЙЗУ ФАРИШТАСИ

UZINFOCOM маркази, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳузуридаги ZIYO.NET бўлими ҳамда «Нуроний» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан «Кексалар — хонадонимиз файзу фариштаси» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Тадбирда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби профессор Мухтор Расулов, «Нуроний» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими раиси ўринбосари Булутбек Бекмирзаев, Исматилла Умаров, Олқор Дамин каби ижодкорлар ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети-нинг талаба-ёшлари иштирок этди.

Фахрийлар ва ижодкорларнинг ўз ҳаётий тажрибаси, кўрган-кечирганлари, болалик ва ўсмирликдаги эсда қоларли воқеалар, уруш давридаги қийинчилик ва машаққатлар ҳақидаги хулоса ва мулоҳазалари

йиғилганларни бефарқ қолдирмади.

— Юртимизда кексалар доимо иззат-хурматда, уларнинг манфаатлари муҳофазаси давлат эътиборида экани миллий қадриятларимизнинг яққол ифодасидир, — дейди Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими раиси ўринбосари Булутбек Бекмирзаев. — Мамлакатимизда бундай эътибор ва ғамхўрлик нафақат жорий йилда, балки доимий ва узлуксиз давом этади. Бундай рағбатдан эса айни дамда кексалик гаштини сураётган нуруний бобою меҳрибон буюжонларимиз бениҳоя мамнун.

Нодира МАҲМУДОВА

Гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги

ГЛОБАЛ МАСАЛА МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси томонидан БМТнинг Тошкентдаги минтақавий ваколатхонасида Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунига бағишлаб ўтказилган анжуманида гиёҳванд моддалар тарқатилиши ва наркотик воситаларнинг ноқонуний айланмасига қарши кураш, унинг оқибатларини бартараф этиш ҳамда олдини олиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Анжуманда, соҳа мутахассислари, халқаро экспертлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этди. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, наркотик моддаларни истеъмол қилиш натижасида бемор организмда диабет,

гипертония каби ўткир сурункали касалликлар вужудга келади.

Тадбирда ЮНЕЙДС, Жаҳон банки сингари бир қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда давр муаммосига айланиб бораётган гиёҳвандлик иллатининг олдини олиш, айниқса, орттирилган иммунитет таъкидлаш вирусига чалинган инсонларнинг руҳий дунёсини барқарорлаштириш ва зарур тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Анжуманда тажрибали мутахассисларнинг мазкур муаммо оқибатларини ҳар томонлама бартараф этишга бағишланган мазмунли ва қизиқарли маърузалари барчага манзур бўлди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
ЎзДЖТУ талабаси

Гиёҳвандлик бугунги кундаги ўта долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ачинарлиси эса гиёҳвандлик балоси аксарият кишиларнинг бошига етмоқда. Унинг касофатидан ер юзидан миллионлаб инсоннинг ҳаёт билан эрта видолашиши ҳамда оилаларнинг бузилиб кетиш ҳолатлари кузатишмоқда.

УМР ЗАВОЛИ

Сергели туманидаги 10-оилавий поликлиникада Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали томонидан туман тиббиёт бирлашмаси билан ҳамкорликда ўтказилган «Гиёҳвандликнинг олдини олиш» мавзусидаги давра сўхбатида ҳам шу ҳақда сўз юритилди.

Тадбирда сўзга чиққан Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали Соғлом турмуш тарзи бўлими мудири Мавлуда Норкулова, Сергели туман тиббиёт бирлашмаси шифокори Сайфулло Шомуродов ва бошқалар гиёҳванд моддаларнинг инсон танасига салбий таъсири, ўзидан кейин қолдирадиган асоратлари ҳақида гапириб, жумладан, гиёҳванд одам энг аввало ўз ақинларидан ажралаиб, охири-оқибат жарҳлиқа кулаши муқаррарлигини алоҳида таъкидлади. Барча йиғилганларни огохликка чақирди.

Оилада соғлом муҳит ҳукм сурса, фарзанд тарбияси ҳам шунга монанд бўлиши, энг аввало фарзанд тарбиясида ҳам дунёвий, ҳам миллий аъналаримизни шакллантиришга катта эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди. Яқинлар ва маҳалладаги ёшларга эътиборсиз бўлмаслик, уларнинг юриш-туришлари, қаерда кимлар билан юришларидан доимо хабардор бўлиш муҳимлигини унутмаслик жоиз.

Шайхонтоҳур туманидаги «Чақари» маҳалласи гузарида «Гиёҳвандликнинг олдини олиш» шиори остида «Биз гиёҳвандликка қаршимиз!» деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

ЖАМИЯТ УЧУН ЗАРАРЛИ ИЛЛАТ

Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ҳамда тумандаги 47-оилавий поликлиника томонидан ташкил этилган тадбирда институтнинг мутахассислари, туман наркология диспансери шифокори, Республика рассомчилик коллежи ўқувчилари ҳамда маҳалла фаоллари қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққан Шайхонтоҳур тумани наркология диспансери шифокори Т.Зокиров, 47-оилавий поликлиника шифокорлари Д.Абдуллаева, Н.Салимовалар зарарли одатлар орасида инсон саломатлигига, унинг тақдири учун ҳам, жамият учун ҳам энг хавфлиси — бу гиёҳвандлик эканлиги, инсонга бир марта бериладиган ҳаётда тўғри йўлдан адашмаслик, ўз келажаги учун бефарқ бўлмаслик муҳимлигини таъкидлаб ўтишди.

Гиёҳвандлик инсон шахсининг руҳий ҳолатининг чуқур ўзгаришига, шунингдек, тана ички аъзолари фаолиятининг жиддий зарарланишига олиб келади. Шу сабабли ҳар биримиз соғлом турмуш тарзига амал қилиб, турли зарарли иллатларга берилмаслигимиз, келажақ учун бугундан қайғуришимиз лозим. Ўйлаймизки, бу каби тарғибот тадбирлари ўсиб келаётган ёшларни сергак бўлишга, зарарли иллатларга берилмай, маънавияти юксак авлод сифатида вояга етишига замин яратади.

Ана шундай тадбирлардан яна бири Мирзо Улуғбек туманидаги

208-мактаб қошидаги ёзги болалар дам олиш оромгоҳида бўлиб ўтди.

Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ҳамда тумандаги 8-оилавий поликлиника томонидан ташкил этилган тадбирда поликлиниканинг умумий амалиёт шифокорлари, мактаб шифокори, туман тиббиёт бирлашмаси Соғлом турмуш тарзи ходими ҳамда ўқувчилар қатнашди.

Тадбир ўқувчи-ёшлар ўртасида гиёҳвандлик ва унинг тарқалишининг олдини олиш, гиёҳванд моддалар ҳар қандай инсонни ўз домига тортиб кетиши натижасида неча минглаб, оилалар, қолаверса, ёшларнинг келажаги барҳам топиши, ҳаттоки фарзандлари ҳам гиёҳванд моддаларнинг таъсирида ногирон тугилиши оқибатлари ҳақида кенг тушунча бериш мақсадида ташкил этилди.

Сўзга чиққанлар болаларнинг соғлиғидан доимий равишда огоҳ бўлиш, шунингдек, мавсумий касалликлар бўйича ёшлар ўртасида «Соғлом турмуш тарзи»га оид давра сўхбатлари ўтказиш нақадар муҳимлигини таъкидлаб ўтишди. Гиёҳвандликнинг оғир оқибатларга олиб келувчи «оғу» эканлигини кишилар онгига сингдириш муҳимлиги қайд этилди. Ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини маъмули ўтказиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, асосийси, салбий иллатларга берилмаслик ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Зарина РУСТАМОВА

ЮКСАК ҒАЛАБАЛАР АСОСИ

«Олимпия шон-шўхрати» музейида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг велоспортни ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз велоспорт федерациясининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ёш спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб бораётган фаолиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси, велоспорт федерацияси раиси Т.Норбоева, Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари М.Алиев, Миллий олимпия қўмитаси бош котиби О.Қосимов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, аҳоли, айниқса, ёшларнинг спорт билан мунтазам шугулланиши учун яратилаётган шарт-шароитлар жамиятимизда соғлом турмуш тарзини мустаҳкам қарор топтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Бу жараёнда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва велоспорт федерацияси давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда велоспортни оммалаштириш, мазкур спорт турининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, иқтидорли велоспортчиларни саралаш ва терма жамоаларга жалб этиш, уларнинг профессионал маҳоратини ошириш, ёш спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Қарор ижроси доирасида Ўзбекистон велоспорт федерациясининг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди. Хоразм вилояти Урганч шаҳрида, Самарқанд, Фарғона, Наманган ва Сирдарё вилоятларидаги олимпия заҳиралари коллежларида велоспорт бўлимлари фаолияти йўлга қўйилди. 2015-2016 ўқув йилидан бошқа ҳудудлардаги олимпия заҳиралари коллежларида ҳам мазкур бўлимларни ташкил этиш режалаштирилган. Аҳоли ўртасида аънавий тарзда веломафронлар ўтказилаётгани ва бу мусобақаларга турли ёш тоифасидаги ҳаваскор велоспортчиларнинг жалб этилаётгани велоспортнинг тобора оммалашшига хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда ҳудудлардаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида тарбияланаётган ёшларнинг 20 нафардан ортиги миллий терма жамоа сафига жалб этилди. Тошкент шаҳридаги велотрекни таъмирлаш ишлари жадал олиб боришмоқда.

Бу каби чора-тадбирлар самарасида ўзбекистонлик спортчилар халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этиб келмоқда. Жумладан, Таиландда ўтказилган Осиё чемпионатида ҳамюртимиз Тимур Гумеров олтин медаль соҳиби бўлди. Иқтидорли велоспортчимиз трек йўналишининг кўпқураш баҳсларида рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади ва қўтға чемпионлиги билан бирга 2016 йили Бразилияда ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмаси учун рейтинг очколарини қўлга киритди.

Ёшлар ўртасидаги мусобақада қатнашган яна бир ҳамюртимиз Дилмурод Сиддиқов қўтға чемпионатининг бронза медали билан тақдирланди. Жанубий Кореяда ташкил этилган ўсмирлар ўртасидаги «Тур де Корея» кўпқураш пойғаларида Дилмурод Сиддиқов биринчи ўринни эгаллади.

Тадбирда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан велоспорт федерациясининг ҳудудий бўлимлари, Республика олимпия заҳиралари коллежи, Республика олий спорт маҳорати мактаби, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ва терма жамоа аъзоларига 157 замонавий русумдаги велосипед ва бешта мотоцикл тақдим этилди.

Байрам АЙТМУРОВОВ,
ЎЗА мухбири

(Газетанинг навбатдаги сони 30 июнда чиқади).

Тошкент оқшом

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@uamail.uz

Буюртма Г- 655

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11711 нускада босилди.
Қозғо бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси, Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акматали АҚМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 22.40